

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ-  
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ  
КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ**



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ  
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ  
ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси*  
**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ**

*2016 йил 4 июнь*

**ТОШКЕНТ – 2016**

**Ўзбекистон республикаси озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш омиллари:** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалари ва маърузалари тўплами. –Т.: ТДИУ, 2016. – 400 б.

**“Ўзбекистон республикаси озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш омиллари”** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал–Демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия Кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Ушбу илмий-амалий анжуманининг илмий мақолалари ва маърузалари тўплами ҳозирги кунда республика иқтисодиётининг таянч тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида импортни қисқартириш ва кооперация алоқаларини ривожлантиришга бағишланган мукамал тўпلامни ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, ушбу тўпلامда ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида Давлат илмий-техника дастурларининг **Ф-1-59-“Ўзбекистон агросаноат мажмуасини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш”** мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари ҳам ўз аксини топган.

Тўпلامдаги маъруза тезислари мамлакат озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалаларини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

**Масъул муҳаррир:** иқтисод фанлари номзоди, доц. К.Б.Ахмеджанов  
иқтисод фанлари номзоди, доц. Р.Ҳакимов

**Таҳрир ҳайъати:**

и.ф.н., доц. О.Қ.Рихсимбоев,  
т.ф.н., доц. Н.Н.Қодиров,  
и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова,  
и.ф.н., доц. И.А. Ахмедов,  
и.ф.н., доц. М.Ю. Исаков,  
и.ф.н., доц. А.А.Исломов,  
и.ф.н. А.М.Исмаилов

**Тақризчилар:**

и.ф.д., У.У.Шарифходжаев,  
и.ф.д., проф. Б.Т.Салимов

*Мазкур тўпلامга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар*

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2016.

Исамухамедов Б.	Илмий-таълим марказлари базасида олий иқтисодий таълимни ривожлантириш	99
Пўлатов Қ.Ш., Пўлатов И.Ш.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштиришда банк хизматининг ўрни	101
Хусанбоев А.Ғ., Абдуллаев Ш.С.	Марказий банк монетар сиёсатининг иқтисодиётни модернизация қилишдаги ўрни	103
Ирматова З.А., Махкамов К.А.	Интеллектуал капитал концепциясига асосланган жорий молиявий натижалари кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш	105
Акбаров Н.Ғ.	Пахта тозалаш корхонасининг рақобатбардошлигини босқичма-босқич баҳолаш услуги	106
Адилова М.Т.	Минтақа инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишда махсус иқтисодий зоналарни аҳамияти	109
Хожиматов Р.Х.	Фонд бозорлари иштирокчиси банк фаолиятини самарадорлигини ошириш йўллари	113
Яхьяева И.К., Шамсиддинов О.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий ривожланиш тенденциялари	115
Дехқонова Н.С.	Қишлоқ хўжалик корхоналарининг инновацион стратегиясини шакллантириш	116
Джуманиязов Ш.	Ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантириш йўллари	118
Джумаев З.А.	Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари ва натижалари	120
Эрназаров Ғ. Б.	Уй-жойкоммунал хўжалигини ислоҳ қилиш йўллари	124
Суннатов М.Н., Исмаилова Г.Т.	Институционал ўзгаришларда кичик тадбиркорлик институтининг ўрни	127
Шаропова З.Ф., Мирзаева С.Р.	Бошқарувни самарали ташкил этишнинг ўзига хос томонлари	129
Джураева М.Т., Муратова Д.А.	Ёш мутахассисларни муваффақиятли иш излашлари ва унга қўйиладиган талаблар	131
СултановБ.Т., Юлдашев Ғ.Т.	Қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш ва рентабеллигини ошириш йўллари	133
Суннатов М.Н., Саидов Ф.Р.	Корпоратив бошқарувнинг самарали омилларини жорий этиш тизими	136
Раҳматов Д.Н.	Диверсификацияланган иқтисодиёт: муаммо ва ечим(хорижий давлатлар тажрибаси мисолида)	138
Чулпанова Х.Т.	Иқтисодий таълимда масофавий ўқитишнинг дидактик асослари	141
Нормаматов И.Б.	Истеъмол бозорида маркетинг тадқиқодларини амалга ошириш усуллари	143
Джумаев З.А.	Хизматлар соҳасини ривожлантириш ва мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ролни оширишнинг айрим назарий ва амалий масалалари	144
Хакимов А.Л.	Банк актив операциялари маркетинги ва уни бошқариш	148
Наринбоева Г.К.,	Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ўрни	149

шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардан ҳисобланади. Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар даврида мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш, инвесторларга тенг шароитлар яратиш орқали иқтисодиётимизга маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қатор ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

*катта илмий ходим-изланувчи  
Б.Б. Исмухамедов, ТДИУ*

### **Илмий-таълим марказлари базасида олий иқтисодий таълимни ривожлантириш**

Иқтисодчиларни ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳозирги иқтисодий шароитда ишлашга амалий тайёрлашни ташкил этиш билан боғлиқ асосий қийинчиликларни Европада қўлланилаётган иқтисодчиларни ва ўқув-имитацион фирмалардаги менежерларнинг бутун жамосини ўқитиш методикасини жорий этиш йўли билан енгиб ўтиш мумкин.

Ўқув-имитацион фирмалар бу кичик бизнес соҳасида ишлаётган барча даражалардаги персонални ўқитиш, малакасини ошириш ва ихтисослигини ўзгартиришни ташкил этишнинг ихтисослаштирилган шакли сифатида ташкил этилган. У биринчи навбатда амалий кўникмаларваихтисослашув чуқурлашувини таъминлайди. Ўқув фирма олдинга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун одатдаги кичик инновацион фирма сифатида ташкил этилган бўлиб, бошқа ўқув фирмалари билан худди реал фирмадаги каби иқтисодий қонунлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўқитиш ва қайта ўқитиш шакллари сифатида ўқув-моделлаштириш фирмаларининг қуйидаги қатор устунликлари мавжуд:

– методика – иқтисодчи касбларига амалий кўникма ва назарий билимларни “learning by doing” усули ёрдамида беришни амалга оширилади;

– мослашиш – билимлар ва кўникмалар шаклланиб, аста-секин меҳнат бозоридаги талаб ва ҳақиқий шарт-шароитларга мувофиқ мослашади;

– технопаркка аъзо бўлган бир қатор кичик фирмаларнинг муваффақиятли амалий тажрибасига таянади;

– ижтимоий жиҳат – ўқув-имитацион фирмада иштирокчилар ўзини англаш, ўзига бўлган ишонч, жамоада ишлаш, мустақиллик каби ижтимоий кўникмаларни ҳам ривожлантиради.

Ўзбекистон шароитида ўқув-имитацион фирмаларни ташкил этишда улар фаолиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим: университет технопаркига аъзо бўлган бир қатор кичик фирмаларнинг муваффақиятли амалий тажрибасига таяниш; ишларни нафақат ўқитиш, балки кейинги биргаликда бизнес юритишга ҳам ёрдам бериш тамойили бўйича ташкил этиш; ўқув фирмаларини ўзини ўзи молиялашга йўналтириш.

Илмий-таълим марказлари базасида олий иқтисодий таълимни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш зарур:

1. Таълимнинг назарий даражасини ва дипломнинг конвертация қилинишини ошириш учун талабалар илмининг мамлакат ҳамда хорижий фан ва техниканинг замонавий илмий билимларига максимал даражада яқинлашишини таъминлаш.

2. Замонавий фанларнинг жадал интеграциялашуви ва табақаланиши муносабати билан умумилмий усуллар, умумназарий ва дунёвий билимлардан фойдаланган ҳолда фаннинг ўзаро боғлиқ соҳаларини танлашнинг бўлғуси касбий ихчамлигини таъминловчи кенг соҳа мутахассисларини тайёрлаш.

3. Табиий-техник фанларнинг иқтисодий фан билан интеграцияси ортиб бориши муносабати билан кенг техник дунёқарашга эга бўлган иқтисодчиларни тайёрлаш.

4. Догматик ўқитиш тизимидан ижодий ўқитиш тизимига ўтиш. Талаба ўқув фани ёки фанларни мустақил ўрганиши учун ушбу ўтишни ўқув-услубий базанинг тайёрлигига қараб фанлар бўйича амалга ошириш даркор.

5. Догматик ўқитиш тизимидан ижодий ўқитиш тизимига ўтишни амалда амалга ошириш учун ўқитувчи ларнинг касбий фаолиятини мамлакат ҳамда хорижий фан ва техниканинг илғор ютуқларини ахборот орқали излаш, йўл-йўриқ кўрсатувчи маърузалар ва ўқув қўлланмалари, талабаларга бериладиган яқка топшириқларни тайёрлаш, уларнинг билимларини назорат қилиш, маслаҳатлар ва ҳоказоларга қаратиш мақсадида улар учун аудитория соатлари сонини қисқартириш.

6. Ижодий ўқитиш тизимини амалда амалга ошириш учун талабалар аудитория соатлари сонини қисқартириши ва бўшаган вақтни мустақил топшириқларни бажаришга: замонавий адабиётларни ўрганиш, конспект ёзиш, берилган мавзу бўйича ахборот излаш, ахборотни танқидий таҳлил қилиш, таҳлилий шарҳларни тузиш, умумлаштириш ва рефератлар тайёрлаш, мақолалар ва маърузалар ёзиш, ўқув қўлланмалари тайёрлашда иштирок этиш, курс ва диплом ишларини бажариш, амалиёт ўташ кабиларга йўналтириши зарур.

7. Ўқитувчи нинг малакасини оширишнинг энг самарали шакллари билан бири сифатида унинг ИТМда илмий-тадқиқотларни ўтказишда ихтисослик йўналиши бўйича иштирок этишидан фойдаланиш, унинг натижасида таълимнинг назарий даражаси фаннинг ушбу йўналишдаги ривожига мувофиқ жадал ошиши лозим.

8. Догматик ўқитиш тизимидан ижодий ўқитиш тизимига ўтиш учун таълимнинг ва уни фанга яқинлаштиришнинг самарали шакллари билан бири сифатида талабаларнинг бўлғуси ихтисослик ёки мутахассислик йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишларида талабалар ижодий жамоалари таркибида ёки умумий жамоаларда иштирок этишини қўллаш. Комплекс илмий муаммоларни ҳал этиш учун олимлар, ўқитувчи лар, илмий ходимлар ва талабалар ижодий жамоаларини ташкил этиш.

9. Олий таълим жараёнини ушбу мутахассислик бўйича билимларни тўплаш, тўпланган билимларни таҳлил қилиш, тизимга солиш, умумлаштириш ва янги билимлар, тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳоказолар бўйича ижодий илмий-тадқиқот жараёни сифатида кўриб чиқиш зарур. Унинг умумий вазифаси, ҳозирги вақтга қадар умумий тан олинганидек, талабага имкон қадар кўп билимларни беришдан эмас, балки уларни мустақил ижодий фикрлашга, олинган ва янгидан тўпланадиган билимлар ёрдамида ижод қилишга ўргатишдан иборат.

10. Талабаларни ўқиш учун илғор мамлакатларнинг энг яхши олий ўқув юрғларига ҳамда ўқитувчи ларни амалиёт ёки стажировка ўтиш учун жаҳоннинг энг яхши олий ўқув юрғларига юбориш. Хорижий мамлакатлар ва республикаолий ўқув

юртларининг энг яхши ўқитувчи ларини уникал мавзулар бўйича машғулотлар ўтиш учун жалб қилиш.

*Қ.Ш.Пўлатов, ТДИУ,  
магистрант, И.Ш.Пўлатов, ТМИ*

### **Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштиришда банк хизматининг ўрни**

Таркибий ўзгаришлар деганда, тор маънода миллий иқтисодиётдаги тармоқлар ҳиссасининг ўзгариши тушунилади. Кенг маънода эса иқтисодиётдаги техник-иқтисодий модернизацияни ифодалайди.

Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади. Бунда корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ривожланган бозор муносабатлари ўрнатилган давлатларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш сиёсати одатда билвосита дастаклар, солиқлар, пошлина, пул-кредит ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Республикаимизнинг иқтисодиёти узлуксиз барқарор ривожланиб келмоқда. Охирги ўн бир йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8 фоиздан кам бўлгани йўқ. Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тарихида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

2015-йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010-йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56,7 фоизга етди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида 80 минг 400 та кичик бизнес субъекти